


ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

№ 166 (10.471)

2005 ЙИЛ 25 АВГУСТ




«ОЗБЕКСТОН»
14
O'ZBEKISTON

«Орзу-ош тузи» шўъба корхонасида маҳаллий хом ашёдан тайёрланиб, йодланиш даражасига аҳамият қаратилаётган ош тузлари нафақат таомга маза киритади, балки саломатлигингизга ҳам гаров бўлади.

СУРАТДА: кадоқловчи Феруза Тўлаганова ҳамшира маҳсулотнинг харидорга сифатли етиб боришига эътибор қаратади.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

2005 йил 24 августда парламент юқори палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари, Ташқи сиёсат масалалари ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмиталарининг мажлислари бўлиб ўтди.

Кўмита раислари Б.Иминов, М.Ражабова, С.Сафоев ва Э.Воҳидовлар томонидан олиб борилган мажлисларда Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида 19 август куни ўтказилган Сенат Кенгашининг АҚШ қуролли кучлари контингентини «Хонобод» (Қарши) аэродромидан олиб чиқиш билан боғлиқ масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир гуруҳ сенаторларининг мурожаатномаси тўғрисидаги Қарори муҳокама этилди.

Кўмита мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг аяндидагина эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонларига юқас ҳуқуқий ва сиёсий баҳо берилди. Сенаторлар таъкидлаб айтдики, мазкур Фармонлар Ўзбекистон демократик принциплари ва қадриятларга қатъий тарафдор эканлигининг, унинг ҳуқуқий давлат барпо этиш, жиний жазоларни либераллаштириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари самарали тарзда ҳимоя этилишини таъминлаш йўлидан бундан буён ҳам собитқадамлик билан бораверишига тайёр эканлигининг яна бир ёрқин далилидир.

Юқори палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати учинчи ялпи мажлисининг кун тартибига киритиш мўлжалланган масалаларни муҳокама этдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси аъзолари шу йўналишда, хусусан, кун тартибидеги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 58-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ва «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг қафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Тадбиркорлик субъектларининг фаолияти тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларни кўриб чиқдилар. Сенаторлар мазкур қонунларни муҳокама этиб, улар юзасидан кўмита тайёрлаган хулосаларни инobatта олган ҳолда Сенат Кенгаши муҳокамасига киритишни тавсия этдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси мажлисида ҳам Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган қонунлар муҳокама этилди. Улар орасида «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 160-моддасига ўзгариш киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги, «Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар бор.

Бу ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан кўмита тегишли хулосалар тайёрлаган бўлиб, мажлис иштирокчилари муҳокамадан сўнг мазкур қонунларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши муҳокамасига киритишни тавсия этдилар.

Ташқи сиёсат масалалари кўмитаси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Покистон Ислмо Республикаси Ҳукумати ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни (Тошкент, 2005 йил 6 март) ва Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартномани (Пекин, 2005 йил 25 май) ратификация қилиш ҳақидаги қонунларни, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон Ислмо Республикасидаги ҳамда Туркия Республикасидаги факултодда ва мухтор элчиларни вазифасига тайинлаш масалаларини кўриб чиқдилар.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси мажлисида давлатимиз бошлигининг юқорида айтиб ўтилган фармонларидан ташқари бўлажак учинчи ялпи мажлис кун тартибидеги бошқа масалалар қатори «Баъзи давлат бошқаруви органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Қонун, шунингдек 2005 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги иш якунлари кўриб чиқилди.

Кўмиталар кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОНГА САФАРИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислмо Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг 2005 йил 26-27 август кунлари Россия Федерациясининг Қозон шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

МДХ саммити қатнашчилари Татаристон Республикаси пойтахтининг 1000 йиллигига бағишланган расмий тадбирларда ҳам иштирок этадилар.

Шу йилнинг 19 августда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлисида Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисига тайёргарлик, мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, шунингдек, жамият ва давлат қурилишининг бошқа муҳим масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислмо Каримов иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда «АҚШ Қуролли кучларининг контингентини «Хонобод» аэродромидан олиб чиқиш билан боғлиқ масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бир гуруҳ сенаторларининг мурожаати тўғрисида»ги масала ҳам кун тартибидан ўрин олди.

Муносабат

ҲАР НАРСАНИНГ ЧЕГАРАСИ БОР

Йиғилишда сўзга чиққан Қашқадарё вилоятидан сайланган сенаторлар шу масала юзасидан фуқаролардан қўллаб-шиқоят ва аризалар тушайтгани ҳақида ахборот беришди. «Хонобод» аэродроми атрофида истикомат қилаётган кишиларнинг, бутун Қашқадарё вилояти аҳолисини ташвишга солаётган қатор сабаблар рўй-рост айтилди. АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига қарашли оғир самолётларнинг учиб қўлиши атроф-муҳитга, вилоятнинг табиатига, аҳоли саломатлигига жиддий салбий таъсир кўрсатаётганлиги исботланди. Келинг, бир мушоҳада қилиб кўрайлик. Чиндан ҳам ҳарбий самолётлар ўз уйинг тепасида чарх уриб учиб-қўниб турса, бунинг устига улардан чиқаётган зарарли газ-тутунлардан сен нафас олиб турган ҳаво, туپроқ, ичиб турган сувинг, кенг майдонлар узра кетган экинзорларинг зарар кўриши оқибатида далалардан барака кўтарилса, бу кўнгилсизлик кимга ёқади?

Самолётлар овози, парвози шу яқин атрофда жойлашган хонадонларда истикомат қилувчи кексаларнинг асабини қақшатиб, ширин уйкуда ётган гўдакларнинг оромини бемаврид бузиши, ҳатто шу ҳудудга яқин бўлган мактаб синфхоналарининг зириллашдан ўқувчиларнинг безовталаниши албатта, ҳар бир ерлик аҳолини ташвишга солиши шубҳасиз.

Баъзи юрт истиқболини кўролмайдиган кимсалар бу масалани кўпроқ Андижон воқеалари билан боғлашга уринишяпти. Шу ўринда уларга Афғонистон ҳудудида фаол ҳарбий ҳаракатлар тугаши муносабати билан бу аэродромдаги ҳарбийларнинг кейинги тақдирини билан боғлиқ масалани ҳал этиш заруритига ўз вақтида АҚШ томонининг эътибори қаратилганини етказиб қўйиш шарт деб ўйлаймиз.

Халқнинг талаби — ҳақли талаб. Шундай экан, Сенатнинг навбатдаги йиғилишида бу масала юзасидан узил-кесил қарор қабул қилинишига ишончимиз комил.

Зиқир МУҲАММАДЖОНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ артисти

XXI сағоси


Барча маълумлардан олинган сўлғи хабарлар

Мамлакатимизда

- Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Корея Республикаси Конституциявий суди президенти Ёнг Чоль Юн раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирини Б.Мустафоев, Конституциявий суд раиси ўринбосари Б.Мирбобоев билан учрашди.
- Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Наманган шаҳридаги Бобур номли истироҳат боғида вилоятда истикомат қилувчи турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги биродарлик туғилуларини мустаҳкамлашга бағишланган дўстлик фестивали ташкил этилди.
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида Урганч ва Хива шаҳарларида «Мини технология - 2005» кўرғазмаси уюштирилди.

Жаҳонда

- Исроил ҳукумати Бош вазир Ариэль Шароннинг Фаластиндан бир томонлама ажралиш режасига мувофиқ, Газо минтақаси ва Иордан дарёсининг фарбий соҳилидан яҳудийларни олиб чиқиш кетиш ишлари ниҳоясига етганини маълум қилди.
- Испанияда шу йил августидан бошлаб йўл қоидаларига риоя этиш бўйича жавобгарликни кучайтирувчи янги қоидалар жорий этилди.
- Перунинг TANS авиакомпаниясига қарашли Боинг-737 самолёти нокулай об-ҳаво шароитида чақмоқ бошқаруви издан чиққанлиги сабабли ҳалокатга учради. Натижанда самолётда парвоз қилаётган 100 нафар йўловчи ва экипаж аъзоларидан 48 киши ҳаётдан кўз юмди.
- Байрут шахридаги савдо маркази ёнида рўй берган портлаш натижасида камида 5 киши жиддий яраланган. Портлаш атрофидаги иншоотларга ҳам жиддий зарар етган. Ҳозирда полиция ушбу ҳодиса юзасидан текширув ишларини олиб бормоқда.



Юнусобод шаҳри-мизнинг марказий туманларидан бўлиб, 1936 йилда ташкил қилинган. Унинг умумий эгаллаб турган майдони 4106 гектардан иборат. Аини кунларда туманда 288 минг киши истиқомат қилади.



Мустақиллик медалари



КУН САЙИН ЧИРОЙ ОЧАЁТГАН ЮНУСОБОД



Туманда 73 та мактабгача тарбия муассасаси, 42 та умумтаълим мактаби, 11 та ўрта махсус ва 4 та олий ўқув юртлири бор. Туман аҳолисига 31 шифохона ва 8 та касалхона, 2 та кинотеатр, 11 та маданият уйи, 24 та кутубхона, 3 та мусика мактаби, 186 та спорт иншоотлари, 1439 та савдо, 346 та умумий овқатланиш ва 411 та маиший соҳа корхоналари хизмат кўрсатади.

Жорий йилнинг июнь ҳолатига кўра тумандаги 125 та йирик корхона ва ташкилотлардан 109 таси, ёки 87,2 фоизи 10,2 миллиард сўм фойда билан фаолият кўрсатди, яъни туман бўйича иқтисодий кўрсаткичлар ижобий бўлиб, умумий ҳисобда 2,2 миллиард сўм фойда олинди. Бу эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 332 миллион сўмга кўпдир.

Шу йилнинг январь-июнь ойларида туманда 342 та янги корхоналар тузилиб, улардан 151 таси масъулияти чекланган жамият, 113 таси хусусий корхоналар ҳамда 78 таси бошқа мулкчилик шаклидагилардир. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган 545 та жисмоний шахсларга гувоҳнома берилди.

Кичик бизнес корхоналарнинг даромади 49,6 миллион сўмни ташкил этди, экспорт ҳажми 3002,5 минг АҚШ долларига тенг бўлди, яъни ўтган йилга нисбатан 12 фоизга юқоридир.

Банк тузилмалари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит ҳажми 5,1 миллион сўмни ташкил қилди.

Жорий йилда саноатда ўсиш суръати 119,4 фоизни ташкил этди.



Туманда маҳаллий хом ашё негизда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришга йўналтирилган маҳаллийлаштириш дастури асосида 9 та корхона фаолият юритмоқда.

Туманда фаолият юритаётган ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўш иш ўринлари, ишлатилмаётган қувватларни инобатга олган ҳолда 2005-2007 йилларда қўшма корхоналар тузиш дастур лойиҳаси тайёрланган. Жорий йилнинг ўтган даврида тузилган 9 та қўшма корхона ҳисобига 44 та иш ўринлари ташкил этилди. Биргина масъулияти чекланган жамияти кўринишида тузилган янги «Alskim Tekstil» қўшма корхонаси томонидан 4,8 миллион АҚШ долларига тенг трикотаж маҳсулотлари экспортга йўналтирилди. Қайд қилинган лойиҳа бўйича 2007 йилда «Ўзбекқишлоқмаш» акциядорлик жамияти Германиянинг «Амазоне» фирмаси билан пневматик экиш машиналарини ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури бўйича тўла ҳамда жорий таъмирланган 220, 239, 240-мактаблар Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади. Шунингдек, «Мингўрик» маҳалласида чойхона, бир қатор маҳаллаларда гузар, поликлиника, спорт майдончалари, маиший-маданий хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростлаб байрамга тўёна сифатида топширилди.

Туман қиёфаси кун сайин ўзгариб, чирой очмоқда. Бу ерда юз бераётган ўзгаришлар, шубҳасиз, юнусободликларнинг эртанги кун, келажакка ишончи ва интилиши далилидир.

Шахло ҲОШИМОВА



Иқтисодиёт

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН

Бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда хусусий тадбиркорлик билан шуғулланаётган кўплаб фуқароларимизнинг ички бозоримизни маҳаллий хом ашёдан тайёрланган сифатли, кўркам, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришда ҳиссалари салмоқли.

Яккасарой туманида 2001 йилдан фаолият юритаётган «TESI» хусусий фирмаси жамоаси буюртма асосида рангли шишадан бир-бирдан чиройли, камалак рангларда жилланувчи, анъанавийлик билан замонавийлик ўзаро уйғунлашган хилма-хил ҳажмли қандил, бра, осма чироклар ишлаб чиқармоқда.

— Асосий эътиборимизни сифатга қаратган ҳолда, — дейди фирма директори Александр Золухин, — буюртмаларни ўз муддатида бажаришга эришяямиз. Буюртмачиларимиз республикамиздаги болалар таълим муассасаларидир. Мижозларнинг хоши-истагини эса албатта ҳисобга оламиз. Ҳозирда 23 турдаги харидоригр маҳсулотларимизнинг ҳаммаси маҳаллий хом ашёдан тайёрланганлиги боис таннархи ҳам нисбатан арзон.

Айни кунларда жамоа 2 та янги турдаги маҳсулот — йўлак ва ташқарига осилдиган манзарали осма чирок устида қизгин иш олиб бормоқда. Тажрибавий маҳсулотлар синовдан ўтказилгач, ички бозор чикарилади.

ЗАМОНАВИЙ КИЙИМЛАР

Мирзо Улугбек туманида оилавий бизнес юритувчилар орасида Малика Ашурова бош бўлган жамоа ҳам ўз ўрнига эга. Замон билан ҳамнафас тадбиркор аёл ўз ишининг устаси ҳисобланади.

— 1999 йилдан хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилдим, — дейди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тамомлаган, анча йиллар шу соҳада ишлаган муҳандис Малика Ашурова. — 2003 йилда «Замонавий либос» хусусий корхонасини очиб, оила аъзоларим ҳамда 2 нафар сингилларим билан иш бошладик. Бугунги кунга келиб буюртма асосида қиз-жувонларга замонавий, мавсумий кийимлар тикамиз.

Чиройли, чидамли либослар учун албатта сифатли матолар зарур. Буюртма асосида хориждан келтирилган мавсумли матолардан тайёрланган либослар мижозни манун этмоқда. Хусусий корхона жамоаси кундалик, кечки эксклюзив кийимлар тиқиш билан бирга, уларни таъмирлаб беришлари билан ҳам яқин атрофдаги маҳаллалар аҳолиси эътиборини қозонмоқда.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Ошма даврасида сўхбатлар

Табиатан, ўғил отадан, қиз эса онадан ибрат олим улғаркан. Бу ҳол узок ўтмишдан давом этиб келади.

"Таниқлигу шарафинг отангандир, Меҳрибонлик, мушфиқлик онангандир!" — дея қадим хоразмлик ҳамюртимиз аллома Маҳмуд Замаҳшарий беҳиз ёзиб қолдирмаган.

Наимжон юриш-туришу мекнату муомалада худди куйиб куйгандек отасининг ўзгинаси: вақтида ишига бориб келади, ҳовлида бўш соатларини дарахту гуллар парваршиши, қолганини эса китоб ўқиши, маҳалладош тенгқурлари билан сўхбатлашиш, ҳашарларга қатнашиш кабилар билан ўтказиши. Синглиси Зумрадхон бўлса мактабдан келди, дегунча ҳовли, уй ичларига қарайди, кир-чирларни ювади, бичиш-тиқиш билан шуғулланиб, барча юмушларни онаси ўргатганидек адо этади. Хатто, кечки овқатни ҳам ҳозирлаб, қозон-товоқларни ювиб, кейин дарс тайёрлашга ўтиради. Шу боисдан бўлса керак, бу оилага келувчи совчиларнинг кети узилмайди. — Қиз болага-ку, совчи келса билнимайди, ammo, ўғилга совчи келиши кишига эриш туюларкан. Бир ҳафта бурун Наимжонга бозордаги ошхоналардан бирининг мудрири совчи бўлиб келиб, нима дебди дегн: "Қизимиз учун ўғлингнизи сўраб келдик, унга жуда-жуда ҳавасимиз келади, агар розилик берсанглр, тўй харажатлари-ю, хатто, келин-кувға алоҳида уй олиб беришни ҳам гарданимизга оламиз. Илтимос, Наимжон қизимиз Гулсара билан учрашиб, ўзаро гаплашиб кўрсин, учрашуе кунини бизга маълум қилсангиз"

гиз бўлгани..." Аммо, Наимжон "Менга мол-дунёли қиз наҳожат, кимни танлашимни ўзим биламан", деб рад жавоби берибди. "Онасини кўриб қизини ол, отасини билиб, ўғлига қизингни бер!" деган ҳикмат шундан пайдо бўлган бўлса керак. Энди Наимжоннинг ҳовлилари ўртасидаги деворнинг нариги томонидаги хангомаларга келсак. Бу ҳовли шовқин-сурону жанжалнинг уяси. "От босган изни токи босар" деганларидек, бу кўшнинг икки қизи ва бир ўғли бор. Қизлари ўзларини гўё ўқимшили, маданиятли қилиб кўз-кўз қилишга уринишади. Катта қизи этагининг чоки сўкилгансимон кўйлак, сочини

ри 9-синфни битириб олган. Уйда совуқ сувга қўл урмайди, иш деса бирор баҳонани топиб, гоийб бўлади-қўяди. Кўпчиликка гўё ўзини ишбилармон тижоратчи қилиб кўрсатиш учун бозорда эски қулф-қалиг, батареяли фонарлар соатади, ҳафтада бозорга бир борса боради, бўлма-са йўқ. Аслида умрининг ярмидан кўпи уйда, маҳалла чоҳонасида улфатлари билан карта ўйнаб ўтади. Арзанда яшайдиган ҳовлига маҳалла посбони ҳафта сайин бирор нотаниш кимсани бошлаб келиб, "Бу кишидан қарз олган экансан, анча бўлибди, қарзингни уз!" деб талаб қилади. Арзанда ҳам йўқ демайди, "Эрта ё индин ўзим олиб бориб, қўлларига топшираман", деб тилхат ёзиб беради. Кейин эса яна аллақайси бозорга янги келган танишидан қарз олиб, уни ўша аввалги одамга элтиб бериб, ёзган тилхатини келтириб, посбонга тутқазади. Қаранг, ўғил отага тортар, деган нақл бекорга тўқилмаган экан, отаси ҳам бозорда таниш-билишларидан қарз олиб, уни вақтида бермасликда, бирор олисдан келган нотанишни чув туширишда кўпчиликка отнинг қашқаси бўлиб танилган экан. Шундан бўлса керак, отасига ўзига арзанданинг оғайнлари ҳам мандан қарз сўрайди дея, ундан ўзларини четга оладилик. Худди олами тебратиб турган кишидек, арзанданинг мактанчоқлигини айтмайсизми? Машхур

Ҳаёт сабоқлари

ИБРАТАН БЎЛИШ ҲИКМАТИ

турфа рангларга бўяб ёйиб юради. Уй юмушларидан беҳабар. Муомаласи ўта даражада кўпол. Дугоналари ҳам худди ўзига ўхшаш. Учрашиб қолишса бемаъни гапларни айтишиб, ҳаддан ташқари ҳаҳолаб қулишади, кўчадан кексалару аёллар ўтиб турган бўлса писанд қилишмайди. Синглиси Ҳадка (дугоналари шундай атайди, асли Ҳадича бўлса керак) гўё модадан ортда қолмай дегандай, калта пача шим, алламбало майкасимон кўйгучоқ кўйлагидек кўйлак кийиб, бели-ю, қорин-қиндикларини очиб юради. Қизларнинг иккови ҳам ўқиш, ишдан нари, бўлар-бўлмас нарсалар билан машғул. Она бўлса "Катта қизим худди ўзим, кичигим замонавий олифтароқ чикди" деб қўшни аёлларга мақтангани-мақтанган.

Унинг арзанда ўғлига келсак, антика аҳвол кўзга ташланади. У бир амаллаб, ўн йилча олг-

шоир Фазуллоҳ Алмаий ёзганидек: **"Агар зоҳирда айлар ошнолик, Вале, ботинда қилгай бевафолик, Ҳар кимса рақибдек шум турур, — Азали раҳмдиллик анда йўқ бўлур!** Ушбу сатрлар бундан юз эллик йил олгари ёзилганига қарамай, арзандага башорат қилиб, бағишланганга ўхшайди.

Куш уюсида кўрганини қилганидек, арзанда ҳам хонадондаги муҳитда тарбияланиб, вояга етди. Қизиги шундаки, маҳалла жамоатчилиги, қолаверса қўни-қўшнилр томошабини бўлиб турмай, арзанда ва у яшайдиган хонадон аъзоларини вақти-вақти билан кўпчилик ўртасида муҳокама қилиб турганларига оиладаги нотўғри тарбия яхши изга турган бўлармиди, деб ўйлаймиз.

Олим БЕКОВ

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўртаниб домо бўлур...

У давом этиб деди: «Ҳар сўз ўқи камондан учса ва ҳар калима оғиз зиндонидан кўчса уни қайтариб оламан дейиш хом ҳаёликдир!» Байт:

Шошилмоқдан тийгин доимо ўзини, Истаганда айтсанг бўлади сўзини!

Чин фағфур сўз бўстонида гулдаста ҳозирлаб, тўхфа қилган ҳолда деди: «Сўз қуши оғиз қафасида экан, унинг ихтиёри менинг изимдадир. Бордию, у тил ошёнасидан парвоз қилса ҳеч қачон уни тугти бўлмайди». Байт:

Куш қафасдан учиб кетганда ҳар дам,

Тутаман деб уни тортмагин алам!

Сўз келини сўзлашув пардасидан ташқарига чиқмаган экан, тил машотасининг ихтиёридадир. Машшота уни хоҳласа баён боғига олиб киради, хоҳласа парда орқасида пинҳон тута олади. Байт:

Сўз келини дилва қилмаган замон,

Соҳибнинг қўли остида пинҳон.

Хоҳлаганда уни баён қилади,

Хоҳлаганда яна ниҳон қилади!

● Вафоли одамнинг дўстлиги ҳам самимий бўлади.

● Ёшлиқда шундай иш қилки, қарингида фойда берсин ва унинг беҳуда ўтганидан афсус ема!

● Ёшлиқ мастлиги шароб мастлигидан ортқ. Йигит йигитдан йиқилади, ammo таслим бўлмайди.

● Бир сандиқ олтиндан бир зарра ақл яхши.

● Тинимсиз зиёратдан малоллик туғилади.

● Йўлга чиқишдан аввал йўлдош қидир.

● Ҳар қуш ўз овозидан шодланади.

● Байт:

Яхшилар айбидан кўз юмгин ҳар он,

Ҳасад кўзи билан боқмағил зиён.

Ўз айбинг кўрмоқча юз марта кўз оч,

Ўзгага бир бор ҳам кўз очмидан қоч!

● ҲИҚМАТ. Дўст уч гуруҳдир: дўст, дўстингни дўсти, душманингни душмани. Душман ҳам уч тоифадир: душман, дўстингни душмани, душманингни дўсти. Байт:

Душманнингга душман бўлади дўстинг,

Душманнингга ул ҳам бўлади ағёр.

Душманнингга дўстлик айласа дўстинг.

Душмандир у аканг бўлса ҳам зинҳор!

● Донолардан бири айтанди:

— Ёмон кишилар билан улфат бўлишдан қочгин. Одамнинг табиати ўғридир. У яхши кишилар билан сўхбатдош бўлганда яхши хислатлардан баҳраманд бўлгани каби, ёмон билан улфат бўлганда ҳам улардан озгина бўлса-да, ёмон хислат ўғирлаб олади.

Билиб қўйган

Аҳли

СОҒЛИҚҚА ОБ-ҲАВОНИНГ ТАЪСИРИ

Об-ҳавонинг алмашинуви (атмосфера босимининг ўзгариши билан кечади) инсонда уйқучанлик, иш қобилиятининг пасайиши, бош оғриғи, тез чарчаш ва ҳоказолар билан кечади. Бу даврда сурункали касалликларнинг зўрайиши микдорини ошади.

Соғлиқнинг об-ҳаво шароитига патологик боғлиқлиги метеопатия деб аталади. Метеопатия даврида иммунитети суст бўлган кишиларда шамоллаш касаллиги, ўпка касаллиги, ўпка касаллигини бўлган одамларда йўтал, хансираш, терининг қўқариши, гипертоникларда эса юрак соҳасида оғрик, хансираш, кўнгил айнаш, босимнинг ошиши кузатилади.

Метеопатия даврида профилактика мақсадида куйидагиларни қўллаш мумкин:

- чарчаб қолишга йўл қўймастик, яъни дам олишга албатта вақт топиш;
- суткасига 7-8 соат ухлаш;
- очик ҳавода кунига камидан 1 соат бўлиш;
- ҳар кун душ қабул қилиш. Шу даврда яна овқатланишга ҳам эътибор қаратиш лозим.

Рационга (асосан баҳорда) витаминлари кўп бўлган озиқ моддалар: қўқатлар, сабзавотлар, мева-чеваларни қўйиш. Яна шунин билан куйган яхшики, магнитли ҳаво бўлганида ўзидан магнийни кўп тутувчи маҳсулотларни рационга киритиш, кунлик ейиш-ичишда йогурт, кефир, балик ёки денгиз қарам, нўхот, ловия, олма, сабзи, ёнғоқ (2-4 дона), асал ва қўритилган мевалардан қилинган компотлар бўлиши зарур.

ТЎРТАНКАР

Куйган дил дардига бўлалсанг маҳкам, Қайғуси, ғамиза чин шерик-ҳамдам. Яратган ярлақар кечаю кундуз, Ёритар йўлингни охирида ҳам.

Савоб-чун шарт эмас мадраса кўрмоқ, Ҳаж йўлини мўлжаллаб пиёда юрмоқ. Бир тариб йўқиланинг кўнглини ёритсанг, Насибдир жаннатий бир ажр кўрмоқ.

Онани ранжитма, кўрмайсан заво, Сўз билан, иш билан келтирма маюл.

Энига: 1. Ҳосил ёгин суви билан етиштирилдиган деҳқончилик. 4. Оммавий ҳашар. 9. Давлатнинг ўзга давлатга маълум бир масола бўйича расмий норозилик ҳужжати. 10. Таксимланадиган нарсанинг бирор кимсага тегадиган қисми. 11. Фазо кемалари учирладиган иншоот. 14. Кимёвий модда. 15. Камёб тоғ жонивори. 16. Газлама тури. 18. Ҳарбий кема. 19. Калтакесаксимон йирик ҳайвон. 23. Қурувчи. 24. Металл хусусиятига эга бўлган кул ранг модда. 25. Транспорти воситаси. 29. Қонусининг иккита ясовечиси орқали ўтган текислик билан кесишувидан ҳосил бўладиган эгри чизиқ. 31. Қитъалараро жаҳон кубогининг 2002 йилги совриндори бўлган футбол жамоаси. 32. Газ модда. 33. Оптик асбоб. 34. Энсиз девор.

Бўйига: 1. Самолёт қаноти қисми. 2. Рақамли кўнгилочар ўйин. 3. Матбаа маҳсулоти. 5. Мегранликда мўлжалга олинган нарсаси. 6. Баҳор гули. 7. "Девони луготит-турк" асарини ёзиб қолдирган олим. 8. Деворий, санъат асари. 12. Юк жойланадиган мослама. 13. "Пахтакор" жамоаси футболчиси. 16. Пойафзал тикувчи хунарманд. 17. Рад этиш. 20. Тоғ жинси. 21. Парҳез таом. 22. Тишли гилдирақлар ёрдами билан ҳаракатни ўтказувчи қурилма. 26. Европадаги давлат пойтахти. 27. Отларнинг спортча юриши. 28. Зуррият. 30. Қора денгизга туташган сув ҳавзаси.

Фозилжон ОРИПОВ тузган

ГАЗЕТАНИНГ ШУ ЙИЛ 18 АВГУСТ ОЙИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Энига: 1. Қорақалпоғистон. 2. Астробод. 3. Гомер. 4. Ми. 5. Ток. 6. Марказ. 7. Лаос. 8. Дойл. 9. Деҳқон. 10. Инок. 11. Сехр. 12. Ишқор. 13. Ян. 14. Ратин. 15. Олой. 16. Африка. 17. «Қасам». 18. Осака. 19. Олис. 20. Волида. 21. Рига. 22. Чана. 23. Онг. 24. Ракета.

Бўйига: 1. Қалдирғоч. 2. Остона. 3. «Тойота». 4. Ин. 5. Арк. 6. Қисса. 7. Қомус. 8. «Наво». 9. Бак. 10. Омон. 11. Лорд. 12. Лол. 13. Керосин. 14. Оғаҳий. 15. Адл. 16. Фоз. 17. Шакар. 18. Имло. 19. Фара. 20. Анор. 21. Тик. 22. Трос. 23. Ринг. 24. Омск. 25. Якка. 26. Нишона. 27. Ға.

Муаммонома:


● Ҳақ эгилар, ноҳақ синар. (Ўзбек халқ мақоли).

Оёгин ювоасанг кўз ёшинг билан, Берган сути сенга ҳалолдан-ҳалол.

Орқалаб юрсанг гар отанг жисмини, Фахр билан тилга ол, унинг исмини. Дуоци ижобат надаринг доим, Унинг қалбидир меҳр тилсими.

Соф қалбда бўлмайди қарадан нишон, Ҳаётда исботин топган бу,ишон. Шундайин дўст топсанг, жаҳонингни тут, Ундадир ҳақ-инсоф, виждон ва иймон. Машрабхон АЗИМ қизи

Бқи вақтинчизга



ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!!!**ЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!
ШОШИЛИНГ, ИМКОНЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!****Давлат мулкани бошқариш давлат кўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси хузуридаги «ROYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси 2005 йилнинг 27,30 сентябрь ва 4,7,11,14,18,21,25,28 октябрь кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдоларга Тошкент шаҳри ҳудудига жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узок муддатли ижара ҳуқуқи кўйилади

Объект манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Қуриладиган мажмуа тури
Чилонзор тумани		
3-мавзеда, 0,036 га	5 629 068	Ёзги қаҳвахона
16-мавзеда, 0,015 га	3 708 108	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик иншоотларини кўчириш шарт билан)
«И-24» мавзесида, 0,018 га	3 608 748	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (кам қувватли электр тармоғини кўчириш шарт билан)
3-мавзеда, 0,03 га	4 787 268	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (чиқиндиларни йиғиш майдончасини кўчириш шарт билан)
1-мавзеда, 0,027 га	3 956 508	Савдо дўкони
Учтепа тумани		
24-мавзеда, 0,01 га	3 660 268	Минимаркет
24-мавзеда, 0,04 га	4 328 268	Маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Мирзо Улугбек тумани		
Қодиров кўчаси, «Феруза» мавзесида, 0,07 га	6 229 368	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншооти

Миробод тумани		
Янгизомон кўчасида, иккита, ҳар бири 0,02 га дан	3 588 968	Дўкон ҳамда офис (мавжуд томорқа ва муҳандислик иншоотларини кўчириш шарт билан)
Бехтерев кўчасида, 0,04 га	4 258 268	Стоматология
Бехтерев кўчасида, 0,04 га	4 258 268	Дорихона
Бектемир тумани		
Соловьев кўчасида тўртта, ҳар бири 0,02 га дан	4 074 268	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Юнусобод тумани		
Тошкент автомобиль Ҳалқа йўли, 19-мавзеда учта, ҳар бири 0,02 га дан	3 919 708	Икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
М.Мирзаев кўчаси, 19-мавзеда – иккита, ҳар бири 0,04 га дан	3 710 868	Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси
Мирзаҳмедов кўчаси, 8-мавзеда, 0,02 га	3 595 868	Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси (муҳандислик тармоқларини кўчириш шарт билан)
М.Мирзаев кўчасида, 0,02 га	6 208 668	Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
М.Мирзаев кўчаси 13-мавзеда, 0,02 га	6 208 668	Икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси
Ҳамза тумани		
Қалишев кўчасида, 0,04 га	3 408 600	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси

Ҳамда савдоларга М.Улугбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 2-уйда жойлашган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 1996й. и/ч, д/р 10АО 006 бўлган ГАЗ 31029 русумли автотранспорт воситаси кўйилади. Бошланғич нархи 1 260 000 сўм.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш ер участкаларига савдодан бир кун аввал соат 18-00да, автотранспорт воситаларига савдодан бир соат аввал тўхтаилади. Ҳамда ер участкалари учун бошланғич нархидан 5% миқдорда, автотранспорт воситалари учун бошланғич нархидан 10% миқдордаги закат пулини «ROYTAXT AUKSION» ДУК АТИФ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 д/р тўлайдилар. Савдолар соат 11-00 да бошланади.

**Савдолар Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 «А»-уйда ўтказилади.
Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40; 133-02-49.**

«ROYTAXT AUKSION» ДУК 2005 йилнинг 26 июль 12,16,23 август кунлари ўтказилган аукцион савдоларида кўйидагилар сотилганлигини маълум қилади:

Якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган ер участкаларига умрбод эгалик ҳуқуқи:

Яккасарой тумани, К.Жалилов ва Юсуф Хос Ҳожиб кўчалари оралиғида жойлашган, сатҳи 0,04 га дан бўлган ер участкалари яъни, 1,3,4,6,7,9,10,12,13,14-сонлари 1 400 000 сўмга, 2,5,11-сонлари 1 500 000 сўмга, 8-сонли 1 600 000 сўмга;

Юнусобод тумани, А.Дониш кўчасида жойлашган, сатҳи 0,015га бўлган, 2-сон ер участкаси, 700 000 сўмга;

Автотранспорт воситалари:

Ўз.Р. Фанлар Академияси Сув муаммолари институтининг д/р 10АВ 604 бўлган «ВАЗ 2104» русумли а/в, 900 000 сўмга;

«ТАПОИЧ» ДАЖнинг д/р 10АЗ 089 бўлган ЗИЛ ММЗ 554М русумли а/в, 2 600 000 сўмга;

Давлат дон инспекциясининг д/р 10АЛ 123 бўлган ВАЗ 21060 русумли а/в, 870 000 сўмга;

Тошкент вилоят табииати муҳофаза қилиш кўмитасининг д/р 10АВ 836 бўлган УАЗ-31512 русумли а/в, 520 000 сўмга;

Ўз.Р. МХХ Автотранспорт хизматининг д/р 10АЕ 245 бўлган Дэу «Нексия» русумли а/в, 2 900 000 сўмга;

Ўз.Р. МХХга қарашли д/р 10АВ 913 бўлган «Нексия» русумли а/в, 2 360 000 сўмга;

Ўз.Р. МХХга қарашли д/р 10АЕ 611 бўлган ВАЗ 21093 ру-

сумли а/в, 1 560 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

«ТАПОИЧ» ДАЖнинг д/р 10АТ 323 бўлган РАФ-220301 русумли а/в, 1 020 000 сўмга.

Тошкент шаҳрида жойлашган ер участкаларининг узок муддатли ижара ҳуқуқи:

Учтепа тумани, Уйғур ва Тўқимачи кўчалари кесишмасида жойлашган, сатҳи 0,055 га. бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси, 1 700 000 сўмга;

Юнусобод тумани, 13-мавзе, М.Мирзаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,015 га. бўлган икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси, 2 900 000 сўмга;

Юнусобод тумани, Гв.полковник Ҳўжаев кўчасида жойлашган, сатҳи 0,03 га бўлган, савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси, 4 000 000 сўмга;

М.Улугбек тумани, Матқобилов кўчасида жойлашган, сатҳи 0,06 га бўлган, музқаймоқ қаҳвахонаси қуриш учун ер участкаси, 8 700 000 сўмга;

Юнусобод тумани, Тошкент автомобиль Ҳалқа йўли, 19-мавзеда жойлашган, сатҳи 0,02 га. бўлган икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун 1-сон ер участкаси, 4 900 000 сўмга;

М.Улугбек тумани, Гулсара кўчасида жойлашган, сатҳи 0,015 га. бўлган, дўкон қуриш учун ер участкаси, 2 000 000 сўмга.

ФИЛОН ОҲАНГЛАРИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўрғазмалар залида «Филон оҳанглари» деб аталган кўрғазма очилди.

Ватанимизнинг бетакорр табиати доимо рассомларнинг сермахсул ижоди учун илҳом манбаи бўлиб келган. Мўйқалам усталарининг энг яхши асарлари шу мавзуга бағишлангани ҳам бежиз эмас.

Филон — серқуёш Қашқадарёдаги

жаннатмонанд гўша. Филонга бориб қолган рассом ва фотосуратчилар гуруҳи бу ўлканинг гўзал табиати, меҳнатсевар одамларнинг самимийлиги, анъана ва удумларига шайдо бўлиб қолган. Сафар натижасида юзлаб ажойиб тасвирий санъат, графика ва

фотография асарлари яратилган бўлиб, улар мазкур кўрғазмада намойиш этилмоқда.

Бу ерда Марат Содиқов, Алишер Аликулов, Фафур Абдураҳмонов, Искра Шин, Абдували Мўминов ва бошқа таниқли мўйқалам усталарининг ижоди намуналарини кўриш мумкин. Эътиборли томони шундаки, кўрғазмадан қашқадарёлик усталарнинг асарлари ҳам ўрин олган.

ЎЗА

**МАКТАБЛАР
ЯНГИ ЎҚУВ
ЙИЛИГА ШАЙ**

Мамакатимизда амалга оширилаётган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида умумтаълим соҳасини ислоҳ қилиш, илм масканларининг моддий-техника базасини замон талаблари даражасида ташкил этиш ҳамда мактабларимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш асосий вазифа этиб белгиланган.

Ана шу эзгу мақсадлар учун ҳукуматимиз томонидан катта миқдорда маблағ ажратилган. Маълумотларга кўра, жорий йилда юртимизда 1097 мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Жумладан, 53 та мактаб биносини янгидан қуриш, 284 тасини капитал реконструкциялаш, 438 тасини капитал, 322 та мактабни жорий таъмирдан чиқариш кўзда тутилган.

Пойтахтимиздаги илм масканларида ҳам бу борада кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти. Тошкент шаҳар ҳалқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Анвар ЗОКИРОВ ўза мухбирига бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

— Беш йилга мўлжалланган устувор вазифалар босқичма-босқич, изчил амалга оширилмоқда. Янги мактаблар қуриш, мавжуд мактаб биноларини реконструкциялаш, капитал ва жорий таъмирлаш ҳамда спорт базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория анжомлари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўланмалари билан таъминлаш шулар жумласига кирди.

Собир Раҳимов туманидаги 11-Мирзо Улугбек туманидаги 207-мактаблар капитал реконструкция қилинди. Бу ишларни «Бинокор» ва «4-қурилиш трести» акциядорлик жамияти қурувчилари амалга оширди. Ҳар икки мактаб биносининг пойдевор ва деворларини мустаҳкамлаш чоралари қўрилиб, уларнинг ички ва ташқи қўриқини замонавийлаштирилди. Янги ром ва эшиклар ўрнатилди. Иситиш ва электр тизими тўлиқ алмаштирилди. Қўлгина спорт турлари билан шуғулланиш имкониятини берадиган янги спорт заллари бунёд этилди.

Шу кунларда шаҳримиз бўйича 14 та мактабда капитал, 19 та мактабда жорий таъмирлаш ишлари якунланмоқда. Август ойининг биринчи ўн кўнлигида қўлгина мактабларимизда таъмирлаш ишлари тугатилган бўлса, қолган қисмида сўнгги пардозлаш ишлари бажарилляпти.

Янги ўқув йилида пойтахтимиздаги 315 та мактабда 33 миңг 300 нафардан ортиқ болақонлар биринчи синфга қабул қилинади. 25 августгача барча мактабларга улар учун дарслик ва зарур ўқув қўраларидан иборат Президент соғавалари етказиб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 октябрда эълон қилинган «2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини меъёри, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга аҳоли охида эътибор қаратилмоқда.

Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан 2005 йилда мактабларни зарур анжомлар билан жиҳозлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, Тошкент шаҳридаги ўқувдан ортиқ мактаб меъёри, компьютер техникаси, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари ва спорт анжомлари билан таъминланади. Уларни тендерда қолиб чиққан «Жаҳонгир», «Мебель-Технология», «Eholding» ҳамда «Итифог» маъсулияти чекланган жамиятлари ва бошқа меъёри ишлаб чиқариш корхоналари етказиб бермоқда.

**Холмурод САЛИМОВ,
Ўза мухбири**

Спорт

КУМУШ
МЕДАЛНИ ҚЎЛГА
КИРИТДИ

Литва пойтахти Вильнюс шаҳрида 18 та мамлакатдан ташриф буюрган 150 нафар полвонлар иштирокида ҳарбий ҳизматчилар ўртасида эркин ва юнон-рум кураши бўйича нуфузли халқаро мусобақалар бўлиб ўтди.

Эркин курашчилар баҳсида энг тажрибали спортчиларимиздан бири — Олимпиада ўинчилари, Осиё ва жаҳон чемпионатлари қатнашчиси, қатор халқаро турнирларнинг ғолиб ва совриндори Дамир Захартдинов юқори натижага эришди. У нимчорак чорак ва ярим финал беллашувларида ўзининг Польша, Жанубий Корея ҳамда туркиялик рақиблари устидан чиройли ғалабаларга эришган ҳолда финалга йўлланма олди. Фақат ҳал қилувчи баҳсда ҳамюртимизга озгина омад кулиб боқмади. Кескин ва муросасиз учрашувда Д.Захартдинов украинлик Валентин Хавиловага ютқазиб қўйди ва кумуш нишон билан қифолланди.

Юнон-рум кураши усталари турнирида эса 60 килограммлик вазнда куч синашган ҳамюртимиз Камол Холматов саккизинчи ўринни эгаллади.

ЧЕМПИОНАТ
КИЗГИН
ПАЛЛАДА

Хабар берилганидек, Чирчик шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежга спорт залида оғир атлетика бўйича аёллар ва эркеклар ўртасида Осиё чемпионати тобора ҳал қилувчи паллага кирмоқда. Ҳозирча куйи вази тоифаларида куч синашаётган спортчилар ўртасида ғолиблар номи маълум бўлди. Қизиги шундаки, 44 ва 48 килограммгача аёллар турнирида қутилмаганда Шимоллий Корея мамлакати вакиллари кетма-кет ғалабани қўлга киритишди. Яъни Ренг Чун Ха ҳамда Пак Ун юқори натижаларни кўрсатганлари ҳолда ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори погонасидан жой олишди.

Эркеклар ўртасида 50 килограммгача вазн тоифасида эса Таиланд мамлакати вакили Понгнисут Напоомга тенг келадиганлар топилмади.

Бошқа вазнларда беллашувлар давом этмоқда. (Ўз мухбиримиз)

Ёшлар — келажагимиз

ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг ҳар томонлама камолотга эришишларига кўмаклашиш мақсадида шахримиз маҳаллаларида турли хил тадбирлар, кўрик-танловлар уюштирилаётгани қувонарли ҳол.

Куни кеча Чилонзор туманидаги «1-Чарх Камолон» маҳалласида маҳалла фалолари, ёшлари, қизлар иштирокида «Оила — муқаддас Ватан» мавзuida ташкил этилган тадбир мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллигига бағишланди.

Ёшларни, айниқса, балоғат ёшидаги қизларни оилага тайёрлаш, оилада ўзаро муносабатларнинг руҳий хусусиятларини қизларга мукамал тушунти-

риб бериш, туманларда ташкил этилган «Ёш оналар» мактаби фаолиятини янада жонлантириш мақсадида ўтказилган ушбу тадбир «Камолот» ЁИХ Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилди. Ўзаро мулоқот тарзида ташкил этилган тадбирда иштирок этган шоира Нилуфар қизларга оила ва никоҳнинг муқаддас эканлиги, ота-онанинг фарзандлар олдидаги, фарзандларнинг ота-она олдидаги

бурчлари ҳақида етарлича маълумот берди.

Шунингдек, туманда ташкил этилган «Ифбатли келин» ўқув марказида пазандлик, сартарошлик, тикувчилик, ҳамширалик каби 14 хил йўналишда таҳсил олган «1-Чарх Камолон» маҳалласининг бир гуруҳ иқтидорли қизлари ҳакамлар ҳайъатига ўзларининг ушбу ўқув масканида эгаллаган билимларини маҳорат билан намойиш этишди. Дарвоқе, тадбирда иштирок этган «Ифбатли келин» ўқув маркази раҳбарияти томонидан маҳалла қизларига дипломлар топширилди.

Байрамонга руҳда ўтган тадбир якунида қатнашчилар эътиборига концерт дастури ҳавола этилди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Футбол

ХОТИРА
ТУРНИРЛАРИ
ЎТКАЗИЛДИ

Яқинда «Пахтакор» марказий стадионида «Пахтакор-79» жамоаси хотирасига бағишланган қизиқарли турнир ўтказилди.

Маълумки, 17 нафар футбол юлдузларининг фожиали ҳалок бўлганига бу йил 26 йил тўлди. Шу муносабат билан Республика футбол федерацияси ва Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими ташаббуси билан ўтказилган хотира турнирида 1992 йилда туғилган ёш футболчилардан ташкил топган саккизта жамоа ўзаро куч синашди.

Икки кун давом этган баҳслар натижасига кўра энг кучлилар ўртасида финал учрашуви ўтказилди. Унда «Пахтакор» ва Собир Раҳимов тумани футбол мактаблари спортчилари ўзаро куч синашиб, «Пахтакор» футболчилари ғолибликни қўлга киритишди.

«Пахтакор» марказий стадионида яна бир хотира турнири ўтказилди. Мазкур спорт турнири ўзбек футболнинг ёрқин юлдузларидан бири Геннадий Красницкийнинг 65 йиллигига бағишланди.

Унда 1994 йилда туғилган спортсевар ёшлар олтита жамоа бўлиб майдонга тушишди. Финал баҳсларига етиб келган Шайхонтоҳур ва Собир Раҳимов туманлари футболчилари ўзаро куч синашиб, Шайхонтоҳур тумани футболчилари устун келганлиги қайд этилди.

Турнир якунида ғолиблар ва совриндорларга совринлар ва совғалар топширилди.

Анвар АЛИЕВ

Бойкуш тунги парранда бўлиб, у асосан кечаси ов қилади. Бу қушни халқимиз ҳар хил ном — бойўғли, укки, ҳаққуш, бойкуш деб ҳам аташади. У япалоқ қушлар оиласига мансуб бўлиб, мамлакатимизда олти тури учрайди. Уларнинг энг йирик вакили укки ҳисобланади.

Ҳайвонот дуниси

ТУНГИ ПАРРАНДА

Бойкуш баҳор ойда ўлкамизга учиб келиб, тун тушиши билан сайрай бошлайди. Унинг овози қоронги кеча соқинлигида аниқ-тиниқ эшитилади. Бойкуш фақат кечаси учиб, кундузи ухлаб ётади. Олимларнинг аниқлашларича, унинг кўзига қуёш нури кучли таъсир қилар экан. Шунинг учун бойкуш кечаси тунги кемирувчилар индан чиқадиган пайтда овга киришади. У қоронгида ўз ўлжасини жуда аниқ мўлжалга олади.

Маълумки, кемирувчи ва судралувчилар кўпроқ вайронларда бўлади. Шу сабаб бойкуш харобаларда, хилват жойларда ва қабри-

стонларда ов қилади. Унинг ана шу ҳаёт тарзини баъзи тушулмаган кишилар, ёмонликка йўйиб, бойкушни ҳосиятсиз парранда ҳисоблашган. Шунингдек, унинг тун соқинлигида безовталандек овоз бериши кишиларга дилгирлик келтирган. Аслида бундай эмас. Илгариги пайтларда одамлар йирик уккиларни ғалла оморларида сақлашган, улар каламуш ва сичқонларга қирон келтирган.

Бойкушлар дала ва шаҳарларимизда бўйи кезиб, касаллик тарқатувчи ва ҳўжалигимизга зарар келтирувчи турли кемирувчиларни қириш билан санитарлик вазифасини ўтайди.

Мунажжим башорати

АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ КУНИ

26 АВГУСТ, ЖУМА

Мунажжимларимиз бугун таваккалчилик қилмаслик, саломатлигингизни асраш, ҳар соҳада эҳтиёткорликка интилишни маслаҳат беришади. Зеро, Меркурий ва Нептун сайёраларнинг ўзаро зиддиятли ҳолатда туриши кўплаб англашилмовчиликлар кўпчилик кишилар хатти-ҳаракатларидаги мантиқсизликка сабаб бўлади. Бундай бир вазиятда оқилна бир қарорга келиш қийин бўлади. Шунинг учун бугунги барча ахборотларни келгуси ҳафта қайта таҳлил этиб чиққан маълум.

Бошқа мунажжимлар бугунги кун инсонни яна ўз жисми муаммоларига қайтаради, дейишади. Яъни жисмоний машқлар қилиш, айниқса қоматни тўриловчи машқларга кўпроқ эътибор бериш талаб қилинади.

Бугунги кун қатъий рўза кунни ҳам экан. Овқатни учга бўлиб, бир қисмини ўзингиз тановул қилишингиз, иккинчи қисмини итларга ҳада қилиш, учинчи қисмини эса қушларга атаб, банд жойларга қўйиш керак экан. Аждодларни хотирлаш, уларга иззат-икром кўрсатиш ҳам бугунги куннинг муҳим аломатларидан бўлади. Бу амални уйда, оила даврасида, ўтган ота-боболаримиз қилган ишларни давом эттириш, улар анъаналарига садоқат изҳор қилиб улар йўлидан бориш керак. Фаол ишларни бошламаган маълум. Шунингдек ваъдалар бериш, қасам ичиш ман этилади. Келажақ режаларни ўйлашни ҳам бугунча қолдириб туриш жоиз. Мабодо, бугун уйингизга

дайдиб юрган бирон жонивор кириб қолса, уни аждодлар кўмаги белгиси сифатида қабул қилинг. Заргарлик тошини топиб олсангиз — орзуларингиз рўёбга чиқишига ишора. Узукни йўқотиш эса, оила барбод бўлиши мумкинлигидан огоҳлантириш демакдир. Кўзгунинг синиши, соатнинг тўхтаб қолиши ёки тишнинг синиши нохушлик аломати ҳисобланади.

Бу кеча қўрилган тушлар башоратли бўлади-ю лекин ўнгидан келиши учун анча вақт ўтади. Тушда аждодларни, шунингдек, юлдузлар, гуллар ва дарактларни кўриш — яхшиликка.

Ўз жисмингизни мустаҳкамловчи машқлар билан шуғулланишингиз айна пайти. Ҳаммом қилиш, кўпроқ ҳаракатда бўлиш, югуриш, кўпроқ очик ҳавода бўлиш фойдали. Муздек сувда чўмилиб олсангиз, нур устига аъло нур бўлади — бу танани чинқиртиришнинг энг ажайиб усули.

Кийим-кечакларнинг яшил

туслари омадли ҳисобланади. Сарик, заргалдоқранг ва қора рангли либослардан бугунча нарироқ бўлганингиз маълум.

БУГУН:

- имкон қадар кунни дам олишга бағишлаш;
- одатий ишларни давом эттириш, дарс қилиш, енгил ишларни бажариш;
- ташқи кўринишингиз ва саломатлигингизга қайғуриш;
- ишда дам олиб-дам олиб меҳнат қилиш;
- суйган қишингиз, яхши танишларингиз билан мулоқотда бўлиш (улар давраси сизга ижобий таъсир ўтказди);

- кунни компьютер олдида ёки телевизор томоша қилиб ўтказиш тавсия этилади.

Ишлаб чиқаришда техника хавфсизлиги қоидаларини бузиш, оилавий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга киришиш, овқат тановулида ортиқчаликка йўл қўйиш, спиртли ичимликларга ружу қўйишдан ўзингизни эҳтиёт қилинг.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65,
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажини — 2 босма таъриф офсет усулида
босилди.
2496 нускада босилди. Қороз бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатда олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрингизни берди масалаларни бўйича турар
жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент
почтаамтига» — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-маъбада аниқдорлик комиссияси босқонхонаси.
Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.